2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 61 (1660), 2026 йил 31 март, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

## ИҚТИСОДИЁТДА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ДАВОМ ЭТТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёевга 2026 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий кўрсаткичлар прогнозини таъминлаш ҳамда жаҳон бозоридаги беқарор вазиятнинг миллий иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш юзасидан ахборот берилди.**

Жорий йилнинг биринчи икки ойида саноат 7,7 фоизга, хизматлар 15,4 фоизга ўсди, 3,5 миллиард долларлик экспорт амалга оширилди ва 8,3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинди.

Йил бошидан 9 та вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга республика бюджетидан қўшимча 2,3 триллион сўм ва 500 миллион доллар маблағ йўналтирилди. “Янги Ўзбекистон қиёфаси” мақоми берилган 33 та туман ва 330 та маҳалла учун маҳаллий бюджетларга 3,9 триллион сўм ажратилди. Оғир тоифадаги 37 та туман ва 903 та маҳаллага жами 3,9 триллион сўм ҳамда маҳаллий бюджетлардан 1,3 триллион сўм, 283 та “драйвер” лойиҳаларга биринчи босқичда 1 триллион сўм ажратилди.

Йил якунига қадар гавжум кўчалар, соҳилбўйи ва йўлбўйи инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун жами 1,2 триллион сўм, туризм салоҳияти юқори бўлган 150 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун 450 миллиард сўм, 400 та маҳаллада 50 та микросаноат марказларини ташкил қилиш учун 150 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Шу билан бирга, қисқа вақт ичида дунёдаги вазият кескин ўзгариб, иқтисодиёт тармоқлари барқарорлиги, ташқи савдо йўлаклари ва импорт нархларига қўшимча босим юзага келтираётгани таъкидланди. Бундай шароитда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари вазиятни олдиндан баҳолаб, турли сценарийлар асосида проактив ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Инфляцияни жорий йилда 6-6,5 фоиз доирасида сақлаб қолиш энг муҳим вазифалардан бири эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, жаҳон бозорида нефть нархининг кескин қимматлашгани транспорт ва нефть-кимё маҳсулотлари таннархига таъсир кўрсатаётгани, полиэтилен ва полипропилен нархларида ҳам ўсиш кузатилаётгани айтилди. Шу боис, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг импорти, транспорт-логистика масалалари ва муқобил йўлаклардан фойдаланиш бўйича тезкор чоралар кўриш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг хомашё, бозор ва кредит билан боғлиқ муаммоларини ҳозирдан ҳал этиш муҳимлиги таъкидланди.

Экспортчилар томонидан кўтарилаётган асосий масалалардан бири транспорт-логистика экани, жаҳонда рўй бераётган воқеалар таъсирида экспорт юк ташишларида узилишлар ва қимматлашув жиддий хавотир уйғотаётгани таъкидланди.

Шу муносабат билан қўшни давлатлар билан транспорт ва савдо масалалари бўйича яқин ҳамкорликни кучайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини авиаташув орқали экспорт қилиш ва тадбиркорлар учун арзонлаштирилган тарифларни жорий этиш чораларини кўриш топширилди.

Хорижий инвестициялар масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Таҳликали халқаро вазият айрим лойиҳалар ижросига таъсир кўрсатиши мумкинлиги билдирилди. Шу муносабат билан амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳани мунтазам таҳлил қилиб бориш ва инвесторлар билан кунлик мулоқот ўрнатиш вазифаси белгиланди.

Банк-молия соҳасида бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредитлар динамикаси ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари жорий рақамлар ижобий бўлишига қарамасдан, ҳеч бир раҳбар хотиржамликка берилиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Ҳозирги мураккаб вазиятда хавф-хатарларни олдиндан кўра билиш, уларни юмшатиш бўйича аниқ режалар билан ишлаш, тармоқлар ва ҳудудларда муаммоларни кутиб ўтирмасдан, уларга тезкор ечим топиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Масъулларга инфляцияни жиловлаш, саноат ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, банк тизими ва қурилиш дастурларидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

**ЎзА**

## ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

**Бугунги тезкор, шиддатли замонда мамлакатимиз ҳаётининг ҳар бир куни тарихга ёзгулик. Деярли ҳар куни бир неча янгиликлар бор: янги корхоналар ишга туширилади, иншоотлар қад ростлайди, илмий-маърифий марказлар очилади.**



Буюк ўзбек йўли

### Янги Ўзбекистоннинг икки дурдонаси

Муборак Рамазон кунлари бир қанча эзгу ишлар амалга оширилди. Улар орасида икки тадбир алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, наинки мамлакатимиз, минтақамиз, айни пайтда бутун мусулмон олами ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Булар — пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанд заминида қад ростлаган Имом Бухорий мажмуаси.

Бундай ноёб иншоотлар тинчлик ва осойишталик барқарор юртда барпо этилиши мумкин. Шукрки, мамлакатимиз тинч, буни алоҳида таъкидламоқдаман — осмонимиз мусаффо бўлгани учун ҳам Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида Имом Бухорий мажмуаси бутунлай янгидан қад ростлади. Бу икки иншоот янги Ўзбекистоннинг дурдоналари. Уларнинг ташқи кўринишининг ўзиёқ ҳар қандай инсонни ҳайратга солади, ҳавасини келтиради. Миллий меъморлик анъаналари билан замонавий архитектура услублари уйғунлаштирилган. Ҳар иккала мажмуа ҳам халқимиз тарихи ниҳоятда қадимий ва бой эканини, табаррук заминимиздан не-не буюк алломалар чиққанини, улар жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшганини намоён этади.

Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида бунёд этилган Ислом цивилизацияси марказида юртимиз тарихининг исломгача бўлган даврини, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврини акс эттирувчи экспозициялар мавжуд. Уларни кўрган юртдошларимиз шундай қадим ва бой тарихга эга халқ фарзанди эканидан ғурурланади, фахрланади, улар қалбида ватанпарварлик туйғуси кучаяди. Айниқса, ёшлар учун унинг аҳамияти беқиёс. Хорижликлар эса миллатимизнинг уч минг йилдан зиёд тарихи борлигига, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс айнан бизнинг юртимизда кечганига, заминимизда туғилиб вояга етган ва жаҳон илм-фанига, хусусан, фалакиёт, тиббиёт, математика, фалсафа, адабиёт, тарих, геодезия ва бошқа соҳаларга улкан ҳисса қўшган қомусий олимлар ҳақида маълумотларга эга бўлади. Марказда бир неча улуғ олимларимизнинг образи сунъий интеллект ёрдамида жонлантирилган. Улар турли тилларда ўзи ҳақида сўзлаб беради. Булар шўро замонида айтилган “ўзбек халқининг атиги уч фоизи саводли бўлган” деган даъволар оддий бир чўпчакдан бошқа нарса эмаслигини тасдиқлайди.

*Давоми 3-бетда*

Форум

## ҚАЛБЛАР ТУТАШГАН НУҚТА

### “Дўстлик стеласи” — Марказий Осиёнинг бирдамлик тимсоли



**Фарғона вилоятида Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон дўстлик форуми бўлиб ўтмоқда. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжондан ташриф буюрган олимлар, экспертлар, халқаро, давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, дўстлик жамиятлари масъуллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.**

“Дўстлик стеласи” пойига гулчамбар қўйишдан бошланган форумга халқларимизнинг бой маданий мероси, ўзига хос анъана ва қадриятларини мужассам этган қўшиқ ва рақслар ижроси ўзгача таровват киритди.

Таъкидланганидек, 2025 йил 31 март куни Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида ўтказилган олий даражадаги тадбир доирасида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари иштирокида тантанали очилган “Дўстлик стеласи” уч мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро ишонч янги босқичга кўтарилганининг ёрқин ифодаси бўлди. “Дўстлик стеласи” қисқа фурсатда Марказий Осиё халқлари ўртасидаги азалий биродарлик ва ҳамжиҳатлик тимсолига айланди.

*Давоми 2-бетда*

Фахр




**Шундай ғалабалар бўладики, беллашув учун майдонга бир марта тушилади. Аммо ўша майдонга етиб келгунча жуда кўп синов ва довонлар ошиб ўтилади. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг навбатдаги ғалабаси ана шундай синовли йўллардан аллақачон ўтиб бўлганимиз, энди катта марралар сари дадил одимлаётганимизнинг яна бир тасдиғи бўлди.**

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ “FIFA SERIES – 2026” ҒОЛИБИ

Пойтахтимиз мезбонлик қилган футбол бўйича халқаро “FIFA Series — 2026” мусобақаси ўз ниҳоясига етди. Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA) томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Венесуэла, Габон ҳамда Тринидад ва Тобаго миллий терма жамоалари иштирок этди.

Миллий терма жамоамиз биринчи учрашувда Габон терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, венесуэлаликлар Тринидад ва Тобаго устидан йирик (4:1) ғалабага эришди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи ўйинида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Венесуэлага қарши майдонга тушди. Қизиқарли ва кескин курашлар остида ўтган учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Ғолиб пенальтилар сериясида аниқланди. Унда ҳамюртларимиз 5:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Қувонарлиси, Абдуқодир Ҳусанов мамлакатимизда ўтган “FIFA Series — 2026” ўйинларининг энг яхши футболчиси деб топилди.

## ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: ЎЗАРО ИШОНЧ, МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИГА АСОСЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК

**Ўзбек ва тожик халқлари азалдан қавму қариндош бўлиб, бир заминда, бир маданий муҳитда яшаб келган, бир дарёдан сув ичган. Бу икки биродар эл ўртасидаги яқинлик фақат географик қўшничиликда кўринмайди, балки асрлар давомида шаклланган умумий қадриятлар, ўхшаш урф-одатлар ва мустаҳкам инсоний ришталар билан белгиланади. Айнан шу тарихий ва маънавий яқинлик бугун ўзининг чинакам ифодасини топди, икки давлат муносабатларида ишончли пойдеворга айланмоқда.**

Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга бу галги давлат ташрифи ва унинг доирасида икки давлат раҳбарлари бошчилигида ўтказилган Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши ана шу азалий дўстлик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган муносабатларни янги, янада юксак босқичга олиб чиқди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тарихий аҳамиятга эга мазкур ташриф икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстликни мустаҳкамлаш, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини аниқ амалий мазмун билан бойитишда муҳим қадам бўлди.

*Давоми 2-бетда*

## Форум




# ҚАЛБЛАР ТУТАШГАН НУҚТА

## “ДЎСТЛИК СТЕЛАСИ” — Марказий Осиёнинг БИРДАМЛИК ТИМСОЛИ

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, бугун Марказий Осиё том маънода барқарор ривожланиш, минтақавий жипслашув ва халқаро субъектлиликнинг янги даврига қадам қўймоқда. Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида қайд этилганидек, “Бугун биз чинакам бирдамлик босқичига ўтяпмиз. Бизнинг минтақамизда узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланмоқда.

Бу — ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган жараён эмас, балки умумий тақдири ва биргаликда тараққий этиш салоҳиятини англаб етган мамлакатларимиз етакчиларининг аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси натижасидир. Айни пайтда бу жараён ўзаро ишонч муҳитида тобора қизғин тус олаётгани Марказий Осиё мамлакатлари халқлари томонидан қўллаб-қувватланаётган минтақавий ҳамкорлик кенг кўламдаги заруратга айланганидан далолатдир”.

Фарғонанинг Ўзбекистон тумани Қирғизистоннинг Боткен тумани ҳамда Тожикистоннинг Исфараси билан чегарадош, шунинг учун бу жой қадимдан турли миллат вакилларининг ўзаро яқин алоқалари, қўшничилик риштлари ва маданий ҳамкорлиги шаклланган маскан сифатида катта аҳамиятга эга бўлган.

— Марказий Осиё халқларини бир-бирига боғловчи ришталар жуда кўп, — дейди тожикистонлик Неъматилло Муҳаммадсаид. — Хатлон вилоятида яшайман. Кейинги йилларда халқларимиз ўртасида меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланиб бораётгани айни ҳақиқат. Ўтган ҳафта Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга келиши абадий дўстлик ришталари қанчалик мустаҳкам, умрбоқий эканидан далолат. Бугунги форум қардошлик, биродарлик ришталарини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини беради. Ўлмас миллий ва диний қадриятлар, урф-одат, қуда-анда, қўшничилик сингари маънавий алоқалар асрлар давомида шаклланиб келган. Бир пайтлар халқларимиз бир-биридан айро яшашига уринишлар бўлди. Чегара постларига бетон тўсиқлар қўйилди. Оқибатда ўзаро борди-келди, қариндошлик, биродарлик ришталарига дарз кетди. Кейинги тўққиз-ўн йилда давлатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорлик туфайли халқларимизнинг дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Савдо-сотиқ, сармоя, ижтимоий, маданий соҳаларда изчил ривожланиш босқичи бошланди. Сўзимиз, ўй-қарашлар, мақсадларимиз бир. Бундай ҳамжиҳат бўлган юртни ҳеч бир минтақада топиб бўлмайди.



Форум доирасидаги тадбирлар минтақа халқларини янада яқинлаштириш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш ҳамда умумий тараққиёт йўлида ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ўзбек, қирғиз, тожик, қозоқ ва озарнинг яқинлиги, бирлиги, ҳамжиҳатлиги эт билан тирноққа қиёсланади, — дейди Қувасой шаҳридаги “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Умиджон Мирзаев. — Қирғизистонда опам, сингилларим яшайди. Бир замонлар ўтдики, чегарадаги турли тўсиқлар туфайли яқинларимизни соғинган дамлар олдига боролмадик, улар ҳам келолмади. Минг шукр, ҳозир вазият тамоман бошқача: ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Буларнинг барчаси халқларимиз ўртасидаги қардошлик, биродарлик ришталарини қайта боғламоқда. Маҳалламизда “Туморим” фольклор жамоаси тузилган. Турли байрам тантаналарида ҳамнафас бўлиб куй-қўшиқ, лапарлар ижро этамиз. Бугунги учрашув ҳам қалбимизга олам-олам қувонч, шодлик олиб кирди.

Форум иштирокчилари Фарғона шаҳридаги “Дўстлик уйи”да турли миллат ва элатларнинг миллий ҳунармандлик, амалий санъат, миллий таомлар ва либослар кўргазмаси билан ҳам танишди.

Фарғона давлат университетида “Дўстлик стеласи — қардош мамлакатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик рамзи” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуман минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичига хос муҳим жиҳатларни қамраб олгани билан эътиборли бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қўшни ва ҳамкор давлатлар билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани алоҳида таъкидланди. Конференция доирасида илгари сурилган ташаббуслар ва илмий ёндашувлар минтақада барқарорликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Муносабат

# ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН:

## ЎЗАРО ИШОНЧ, МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИГА АСОСЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, Олий давлатлараро кенгаш ташкил этилиши ва унинг биринчи йиғилиши ўтказилиши ҳамкорликни институционал жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги мазмун билан бойиди. Энг аввало, давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган ишончли ва очиқ мулоқот муҳити барча соҳалардаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. Бу ишонч ҳукуматлар, парламентлар ва тармоқ идоралари даражасида ҳам ўз аксини топиб, доимий ва самарали мулоқот тизими шаклланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва дўстона муносабатлар ортидан барча чегара постлари очилди. Одамлар чегарадан ҳеч қандай тўсиқсиз, эмин-эркин ўтиб қайтмоқда.

Дарвоқе, чегара ҳақида сўз борганда яқин йиллардаги оғир вазият ёдимизга тушмасдан иложи йўқ. Шахсан ўзим Сурхондарё вилоятида, шундоққина Тожикистон билан чегара яқинида туғилиб ўсган инсон сифатида бу ўзгаришларнинг амалий аҳамиятини чуқур ҳис қиламан. Шундай пайтлар бўлдики, қуда-анда, қариндош бўлиб кетган одамлар ҳатто тўй-маъракаларда ҳам борди-келди қилолмади. Шундоққина ёнимизда — 18 километр масофага бориш учун 800 чақирим йўл юриб Тошкентга келишга, виза олиш учун ҳафталаб кутишга тўғри келарди. Бугун ана шундай мантиқсиз ҳолатларга барҳам берилгани, дўстлик уруғи нақадар тез ва баравж униб, минглаб хонадонларга қувонч бағишлаганига ўзим гувоҳман.

Чегара ҳудудларида давлатлар ўртасидаги муносабатлар ўша ҳудуд аҳолиси кундалик ҳаётининг ажралмас қисмидир. Сўнгги йилларда кузатилаётган очиқлик, инфратузилма ривожланиши, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайиши бу ҳудудларда ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади. Бу ўзгаришлар давлат раҳбарлари даражасида қабул қилинаётган қарорлар халқ манфаатига қаратилганининг яққол исботидир.

Ушбу ташрифдан аён бўлдики, икки давлат муносабатлари фақат сиёсий мулоқот билан чекланиб қолмай, эндиликда барча соҳалардаги



**Абдушукур ҲАМЗАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция раҳбари**

ҳамкорликни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва янги ташаббусларни илгари суриш имконини берувчи янги форматга ўтмоқда. Бу эса Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини стратегик шерикликдан амалдаги иттифоқчилик босқичига олиб чиқишга замин яратади.

Ташриф арафасида ўтказилган ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, саноат кўргазмалари, ҳудудлар форуми, ректорлар ва олимлар учрашувлари, ёшлар ва таҳлил марказлари мулоқотлари ҳамкорликнинг кўп қиррали ва тизимли тус олаётганини кўрсатади. Бу эса муносабатлар фақат давлатлараро келишувлар доирасида эмас, балки жамиятнинг барча қатламларини қамраб олаётганини англатади.

Иқтисодий ҳамкорлик чин маънода бугунги муносабатларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб, бир миллиард долларга яқинлашди. Мазкур кўрсаткич, айниқса, тайёр маҳсулотлар улуши ортиши ҳисобига таъминланаётгани билан аҳамиятлидир. Бу эса давлатларимиз иқтисодиёти ўртасидаги кооперация чуқурлашаётганидан далолат. Шу нуқтаи назардан, 2028 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича қўйилган мақсад мутлақо реал ва асослидир.



Саноат кооперацияси бу мақсадга эришишда ҳал қилувчи омиллардан бири. Бугунги кунда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, электроника, фармацевтика ва бошқа соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Яқин истиқболда қабул қилиниши режалаштирилган Саноат кооперацияси дастури ушбу жараённи янада тизимлаштириб, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, импорт ўрнини босиш ва экспортни диверсификация қилиш имконини беради.

Инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга чиқмоқда. Қўшма инвестиция компанияси капиталини кенгайтириш орқали йирик ва истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш имконияти кенгаяди. Бу эса нафақат давлат, балки хусусий сектор фаоллигини ҳам рағбатлантиради.

Транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш иқтисодий интеграциянинг муҳим йўналишларидан биридир. Бугунги кунда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиақатновлар, автобус ва темир йўл қатновлари йўлга қўйилгани, юк ташиш ҳажми ортиб бораётгани соҳада амалга оширилаётган ишлар самарасини яққол кўрсатмоқда. Шу билан бирга, янги логистика йўналишларини очиш ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам кун тартибида турибди.

“Ойбек — Фотиҳобод” чегараолди савдо марказини барпо этиш, маҳсулотларни сертификатлаш тизимларини уйғунлаштириш, “E-Permit” каби рақамли ечимларни жорий этиш ва чегара назорат пунктларини модернизациялаш бўйича келишувлар савдо жараёнларини сезиларли даражада енгиллаштиради.

Айниқса, экологик барқарорликни таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш каби долзарб масалаларда икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Марказий Осиё шароитида сув ва энергетика масалалари ўзаро боғлиқ эканини ҳисобга олсак, бу йўналишдаги келишувлар нафақат иқтисодий, балки минтақавий барқарорлик нуқтаи назаридан ҳам стратегик аҳамият касб этади. Зотан, энергетика ва сув ресурсларини бошқаришда минтақавий ҳамкорлик экологик хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, мазкур йўналишлардаги келишувлар узоқ муддатли барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, парламентлараро алоқаларнинг фаоллашуви, қонунчиликни уйғунлаштириш ва имзоланган келишувларнинг ижросини таъминлаш борасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам институционал асосини шакллантирмоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар эса халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинликни янада мустаҳкамламоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган Тожикистон маданияти ва киноси кунлари, таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик, талабалар ва ёшлар алмашинуви дастурлари бу йўналишдаги ишларнинг амалий ифодасидир.

Шунингдек, маданий ҳамкорлик бўйича беш йиллик дастурни қабул қилиш ташаббуси муносабатларда янги уфқларни очиши шубҳасиз.

Бугун Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида шаклланаётган муносабатлар мустаҳкам стратегик шериклик ва ишончли иттифоқчилик асосларига эга. Энг муҳими, бу жараёнлар ўзаро ишонч, манфаатлар мувозанати ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилиш тамойилларига кўра бунёд бўлмоқда. Бу эса Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини барқарор ва узвий ривожланиш йўлига олиб чиқади. Зеро, мустаҳкам дўстлик ва амалий ҳамкорлик барқарор тараққиётнинг энг ишончли кафолатидир.

## Нуқтаи назар

# ИҚТИСОДИЙ КООПЕРАЦИЯ ВА УЗОҚ МУДДАТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МОДЕЛЬ

**Глобал беқарорлик шароитида айнан минтақавий ҳамкорлик форматлари иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омилига айланмоқда. Ўзбекистон яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қатъий сиёсатини изчил амалга оширган ҳолда Марказий Осиёда янги иқтисодий воқеликни шакллантириш ташаббускори сифатида намоён бўлмоқда.**

Жаҳон иқтисодиётининг трансформацияси ва логистика йўналишларининг қайта шаклланиши Марказий Осиё давлатлари ўртасида барқарор ва кенг қамровли алоқаларни ривожлантиришни тақозо этяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг амалий иқтисодий кооперация ва узоқ муддатли тараққиётга йўналтирилган сифат жиҳатидан янги моделини яратишда муҳим босқич бўлди.

Тор доирада ўтказилган музокара ва Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши икки томонлама муносабатлар иттифоқчилик ва иқтисодий сиёсатни тизимли мувофиқлаштириш даражасига кўтарилганидан далолат беради. Ушбу формат йирик инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам институционал асос яратади.

Бугун Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигида иқтисодий устуворлик яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2017-2025 йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3,8 баравар ўсди. Экспорт кўрсаткичи 3,7 баравар ошиб, 683,1 миллион долларни, импорт эса 4,4 баравар кўпайиб, 229,3 миллион долларни ташкил этди. 2025 йилда ўзаро савдо айланмаси 2024 йилдагига нисбатан 29,9 фоиз, экспорт 24,1 фоиз, импорт эса 13,8 фоиз ортди.

2026 йил 1 март ҳолатига кўра, Ўзбекистонда Тожикистон капитали иштирокидаги 420 та корхона фаолият юритмоқда. 2017-2025 йилларда Тожикистондан жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий қиймати 373 миллион долларни ташкил қилди.

Музокаралар кун тартибида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва янги ишлаб чиқариш занжирларини яратишга асосий эътибор қаратилди. Бу Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва



**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция раҳбари**

ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш бўйича стратегик мақсадларига тўла мос келади.

Президентимизнинг очиқлик ва яхши қўшничилик сиёсати туфайли Ўзбекистон минтақа давлатлари билан муносабатлар мазмунини тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлди. Илгари иқтисодий алоқалар тарқоқлик билан тавсифланган бўлса, бугун ягона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик макони шаклланмоқда.

Бу жараёнда Тожикистон билан муносабатлар энг жадал суръатда ривожланмоқда. Саноат кооперацияси бу борадаги устувор йўналишдир. Қўшма корхоналар ташкил этиш, кластер тизимини ривожлантириш ҳамда хомашёни чуқур қайта ишлаш минтақа ичида қўшилган қиймат яратиш имконини бериб, иқтисодий ўсишнинг асосий драйверига айланади.

Транспорт боғлиқлигини ошириш ҳам стратегик аҳамиятга эга. Денгизга чиқиш имкони бўлмаган Марказий Осиё давлатлари учун самарали транспорт йўлаклари рақобатбардошликнинг бош мезони. Ўзбекистон ва Тожикистон ҳамкорлиги доирасида транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича кўрилаётган чоралар логистика харажатини камайтириш ва ўзаро савдо кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Энергетика соҳасидаги шериклик ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Сув-энергетика хавфсизлиги масалалари минтақа учун анъанавий равишда нозик мавзу бўлиб келган бўлса-да, сўнгги йилларда зиддиятли моделдан ўзаро манфаатли ҳамкорликка ўтиш кузатилди. Ресурслардан биргаликда фойдаланиш, гидроэнергетикани ривожлантириш ва энергетика сиёсатини мувофиқлаштириш икки давлатнинг барқарор тараққиёти учун замин яратади.

Мазкур жараёнлар Ўзбекистон ва Тожикистоннинг инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро молия институтларини жалб қилиш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасидаги интилишлари қатъий эканини тасдиқлайди. Бундай ёндашув бизнес имкониятларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари очиш мақсадлари билан уйғундир.

Ҳудудлараро ҳамкорлик иқтисодий интеграциянинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Икки мамлакат вилоятлари ўртасидаги тўғридан тўғри алоқалар кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ташриф якунлари Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари иқтисодий алоқаларни тиклаш босқичидан ягона иқтисодий маконни шакллантириш босқичига ўтганини кўрсатди. Энди асосий урғу нафақат савдодаги тўсиқларни олиб ташлаш, балки қўшма ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва бозорларни интеграция қилишга қаратилмоқда.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам иқтисодий шерикликнинг ажралмас қисми. Таълим ва илмий алмашинувлар қўшма лойиҳалар учун малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилса, маданий алоқаларнинг мустаҳкамланиши иқтисодий муносабатларнинг асоси бўлган ўзаро ишонч муҳитини яратади.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги шериклик нафақат икки мамлакат, балки бутун Марказий Осиё учун намунали моделдир. Бундай яқинлик минтақанинг очиқлик ва ўзаро манфаат тамойилларига асосланган барқарор тараққиёт моделини мустаҳкамлайди.

Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ва эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларда янги уфқларни очади. Институционал механизмларнинг яратилиши, саноат ва инфратузилма лойиҳаларининг кенгайиши узоқ муддатли иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

Ушбу жараёнлар стратегик аҳамиятга эга. Улар тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга бевосита хизмат қилади. Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигининг чуқурлашувини янги Ўзбекистоннинг барқарорлик, инновация ва очиқликка йўналтирилган иқтисодий сиёсати муваффақиятининг муҳим омили сифатида баҳолаш мумкин.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Буюк ўзбек йўли

# ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

“Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс пойдевори” залидаги экспозициялар сўнгги йиллардаги беқиёс ўзгаришлар, кенг кўламли ислоҳотлар самаралари ҳақида сўзлайди. Тарихан ғоят қисқа даврда, атиги саккиз-тўққиз йилда қилинган ишларни кузатган ҳар бир инсон — хоҳ юртдошимиз, хоҳ хорижлик бўлсин, ҳайратдан ёқа ушлаши шубҳасиз. Зотан, бунёдкор халқимиз ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, фан-техника, маънавият-маърифат, адабиёт-санъат, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқларни жаҳон аҳли кўриб турибди.

Буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорий ҳазратларининг мақбараси бутун ислом уммати учун муқаддас масканлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, ул улуғ зот тўплаган муборак ҳадислар китоби — “Саҳиҳи Бухорий” Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар манбадир. Ана шу буюк бобомиз мақбараси жойлашган мажмуа давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида қайтадан бунёд этилди. Мазкур мажмуада муҳташам масжид, бир неча замонавий меҳмонхона ва бошқа иншоотлар қад ростлади. Зиёратга келувчилар учун энг замонавий талабларга жавоб берувчи шароитлар яратилди.

Президентимиз 19 март куни ушбу мажмуага ташриф буюрди. Мажмуа марказида — Имом Бухорийнинг табаррук мақбараси. “Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бугун орзу-ниятларимиз рўёбга чиқди. Бу бетакрор зиёратгоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламшумул мавқеига, юксак мақомига муносиб даражада бунёд этишга муяссар бўлдик”, деди Шавкат Мирзиёев.

Мажмуада бунёд этилган янги муҳташам масжидда 20 март тонгида илк намоз — Рамазон ҳайити намози ўқилди.

Ислом цивилизацияси маркази ҳам, Имом Бухорий мажмуаси ҳам қадим ва бой тарихимиз кўзгуси. Тарихимизни қанча теран ўргансак, ўзлигимизни шунча чуқурроқ англаймиз, қалбимизда ўтмишимиз, буюк аждодларимиз билан фахрланиш, ғурурланиш, энг муҳими, уларга муносиб бўлиш туйғулари жўш уради. Давлатимиз раҳбари Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, “Тарих тилга кирган, тарихдан сабоқ олинган жойда, албатта, билим ва маърифат, тараққиёт ва адолат бўлади. Ҳеч қачон тўғри йўлдан адашилмайди!”.

## “Жалолиддин” поезди бўлиб...

Ҳаётимизнинг истисносиз барча соҳаларидаги изчил ислоҳотларнинг ҳаммаси бир мақсадга йўналтирилган: халқимизнинг турмуш фаровонлигини бундан-да яхшилаш, давлатимиз нуфузини янада ошириш.

Транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам улкан ишлар қилинмоқда. Жумладан, янги темир йўл линиялари қуриш, метро ва темир йўл транспорти учун янги поездлар олиб келиш борасидаги ишлар юртдошларимизни қувонтирмоқда. “Hyundai Rotem” компаниясидан олтита поезд мамлакатимизга етказиб берилиши режалаштирилган эди. Уларнинг биринчиси келтирилди. Президентимиз 18 март куни ана шу янги поездда жамоатчилик вакиллари билан бирга Самарқанд шаҳридан Нарпай туманига борди. Мазкур поезд буюк ватандошимиз, жасоратли саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган. Унда еттита вагон бор, поезднинг узунлиги 175 метр, 390 ўринли, соатига 260 километргача тезликда ҳаракатланади. Поезднинг ёнидаги “Жалолиддин Мангуберди” ёзувини кўрган ҳар бир юртдошимизнинг қалби қувонч ва ғурурга тўлади. У Ўзбекистон иқлим шароитини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарилган, жуда иссиқ ва совуқ ҳароратга ҳам чидамли тизимлар билан жиҳозланган. Мутасаддиларнинг айтишича, поезд яқин кунларда Тошкент — Хива йўналишида қатнай бошлайди. Тошкентдан Хивагача 7 соатда боради.



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Поезднинг салонини кўздан кечираман. Ғоят ҳашаматли, замонавий, йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Ўриндиқлар ҳавас қилгулик даражада, энг замонавий самолётларнинг ўриндиқлари каби. Ўриндиқлар ораси ҳам, ўртадаги йўлак ҳам кенг, тепаси анча баланд. Безаклар давр талабига мос, ортиқча жимжима йўқ.

Буларга ҳавас ва ички суюниш ила термулар эканман, талабалик йилларим ёдимга тушди. Тошкент — Самарқанд орасида поездда не азобларда бориб-келганларимни эслаб, энди бир кулгим, бир йиғлагим келади. Уч юз километрли ана шу масофага саккиз соат юрарди поезд. Шу нисбатан қисқа масофада тахминан ўнга яқин жойда тўхтарди. Вагонларнинг бадбўйини ва кўнгилни айнитадиган бошқа ҳолатларни айтмай қўя қолай. Бугунги поезд — “Жалолиддин Мангуберди” бир минг икки юз километр масофани етти соатда босиб ўтади! Мана, янги Ўзбекистонда барча саъй-ҳаракатлар инсон манфаатларига қаратилаётганининг амалий исботи!

Режалаштирилган поездларнинг қолган бештаси ҳам келтирилса, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатнови йўлга қўйилиши табиий. Тасаввур қилиб кўрайлик, бир томонга “Афросиёб”, бошқа томонга “Жалолиддин Мангуберди” поездлари юрса, халқимиз учун қандай улкан имконият ва имтиёзлар яратилган бўлади. Бу қулайликлардан, ғамхўрликлардан суюнмаслик, ғурурланмаслик, шукр қилмаслик, миннатдор бўлмаслик мумкинми?!

Бир пайтлар улуғ шоиримиз Абдулла Орипов “Ўзбекистон” шеърида халқимизнинг юртпарварлиги ҳақида ёзар экан, “Жалолиддин самани бўлиб сакраб ўтдинг Амударёдан” деган эди. Бугун “Жалолиддин Мангуберди” поезди жонажон Ўзбекистонимиз халқига хизмат қилмоқда.



## Ўзимиздан чиққанига нима етсин

Дунё денгиздай чайқалиб турибди бугун. Унинг аёвсиз тўлқинлари қайси томонга хавф солади — ҳеч ким билмайди. Бу тўлқинлар биздан узоқда деб бўлмайди. Бинобарин, кўплаб давлатлар турли жиҳатлар бўйича ўзаро узвий боғланган. Муайян мамлакатда рўй берган яхши ишлар ҳам, кўнгилсиз воқеалар ҳам бошқаларига қайсидир даражада таъсир ўтказади.

Бундай шароитда қийинчилик ва машаққат, аввало, оддий халқ бошига тушади. Сабаби — ўша аёвсиз тўлқинлар оқибатида ишлаб чиқариш, турли маҳсулотлар, жумладан, озиқ-овқат етиштириш ва тайёрлаш камаяди. Бу, ўз навбатида, нарх-наво кўтарилишига олиб келади. Шундай бўлгач, оддий меҳнаткаш халқнинг турмуш шароити оғир аҳволга тушиб қолади. Бунга тарихдан исталганча мисоллар келтириш мумкин. Тарихни қўйиб турайлик, шу кунларда Яқин Шарқда кечаётган воқеаларга теран кўз билан қарайлик, таҳлил қилайлик. Одамнинг эти увишиб, юраклар зирқираб кетади. Қанча бегуноҳ одамлар — болалар, аёллар, кексалар ҳалок бўлди. Уларнинг айби нима эди?

Бу воқеаларни турли телеканаллар, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари орқали кўриб, ўқиб, тинчлик нақадар улуғ, бебаҳо неъмат эканига қайта-қайта имон келтиради ҳар бир инсон. Зеро, тинчлик бўлмаган жойда тараққиёт ҳам, ривожланиш ҳам, ҳаловат ҳам йўқ! Байраму тўй-томошаларнику, тасаввур ҳам қилиш мумкин эмас!

Шундай экан, юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш зарур. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, халқимиз тинч-хотиржам ишлаяпти, дам оляпти, бехавотир тонг оттиряпти. Турли байрамларни нишонлаяпмиз, тўй-томошалар қиляпмиз. Бири биридан гўзал, муҳташам, замонавий иншоотлар бунёд этмоқдамиз.

Аммо хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Чунки ўша нотинчлик, беқарорлик оқибатида турли муаммолар вужудга келмоқда. Жумладан, логистикада узилишлар пайдо бўлиб, нефть нархи, транспорт харажати ошаётгани кузатилмоқда. Булар юртимизга олиб келинадиган барча турдаги маҳсулотлар нархи кўтарилишига сабаб бўлади. Демак, маҳаллий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етиштиришни кўпайтириш ҳар қачонгидан кўра муҳим ҳамда долзарб аҳамиятга эга. Аслини олганда, ҳамма нарса ўзингдан чиққанига нима етсин.

Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Нарпай туманида 18 март куни ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир ишга янгича ёндашиш, изланиш зарурлиги — давр талаби. Туманларнинг ўзига хос имконият ва шароитидан келиб чиққан ҳолда ривожланиш моделини яратиш кераклиги таъкидланди. Бунинг учун туманларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари, ер ости ва ер усти захиралари, меҳнат ресурслари, аҳолининг бизнес ва касб кўникмаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Самарқанд вилоятига барча манбалар ҳисобидан 11 триллион сўм, тадбиркорларга кредит ресурслари учун яна 18 триллион сўм йўналтирилаётгани айтилди. Рақамларга эътибор беринг: триллион! Айтишга осон. Аммо унинг замирида қанча меҳнат, қанча машаққат бор! Зотан, бир сўм ҳам осмондан тушмайди. Демак, бу маблағнинг ҳар бир сўмидан самарали, оқилона, энг муҳими, тўғри ва ҳалол фойдаланиш керак. Катта-кичик раҳбар бўладими, тадбиркор бўладими, фермер ёки ижтимоий соҳа вакили бўладими, давлат ажратган ресурсни халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жонажон Ватанимизни обод қилиш, халқаро нуфузини кўтариш, алал-оқибат юртимиз аҳолисини рози қилишдек эзгу ва хайрли ишларга сарфламоғи даркор. Акс ҳолда, яъни бюджет пули (бу халқнинг пули) талон-тарож қилинса, шахсий манфаатни элу юрт манфаатидан устун кўриб, порахўрликка, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилса, одамларда норозилик кучаяди. Энг ёмони, аҳолида улуғ ниятлар билан кечаётган ислоҳотларга, давлат сиёсатига ишонч сусаяди. Президентимиз таъбири билан айтганда, коррупцияга йўл қўйиш ислоҳотларга хиёнатдир.

Йиғилишда вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг барча соҳалари бўйича масалалар батафсил кўриб чиқилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, хизмат кўрсатиш, паррандачилик, балиқчилик, лимон, қулупнай, картошка етиштириш ва ҳоказо соҳаларда қилиниши зарур бўлган ишлар аниқ белгилаб берилди. Уларнинг ҳар биридан кўзланган мақсад, одамларга фойдаси, пировард натижа — барча-барчаси аниқ мисоллар билан таҳлил қилинди. Масалан, паррандачилик, балиқчилик ривожланса, аҳоли дастурхони тўкин бўлади. Яйловларни ижарага бериш муддати узайтирилса, чорвачилик ривожланади, чорва моллари кўпайса, гўшт сероб бўлади. Қайсики маҳсулот кўпайса, ўшанинг нархи арзонлашади. Буларнинг бари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Туманлар инфратузилмаси, яъни йўлларни, кўприкларни таъмирлаш, янгиларини қуриш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Ушбу ишлар учун зарур маблағ (миллиардлаб сўм) ажратиладиган бўлди.

Мен бир ҳолатга эътибор қаратдим. Салкам уч соат давом этган йиғилишда бирор марта пахта ҳақида, пахта етиштиришнинг аҳволи, бу йилги режалар тўғрисида гап бўлмади. Илгари бунақа йиғилишлар асосан пахта билан бошланиб, пахта билан тугар эди. Мева, сабзавот маҳсулотлари етиштириш хусусида деярли гапирилмасди. Бўлар экан-ку! Пахтасиз ҳам кун кўриш мумкин экан-ку! Кўрганда ҳам пахта давридан кўра яхшироқ яшаш мумкин экан! Буни бугун ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Кўрилаётган масаланинг “ичига кирган”, яъни атрофлича ўрганган одам ишонч билан, қатъий, қоғозга қарамай гапиради. Бундай раҳбар ҳисобот бериш билан чекланмайди, мавжуд муаммоларни яширмайди ва уларни ҳал қилиш учун нималар қилиш лозимлигини, бунинг учун қанча маблағ кераклигини ҳам айтади.

Нарпайдаги йиғилишда ҳам шундай бўлди. Сўзга чиққанлар — вазирлик ва идоралар раҳбарлари ёки вакили бўладими, туманлар ҳокимлари ёки муайян соҳа мутахассисими — аксариятининг сўзларида янгича фикрлаш, масалага замонавий ёндашиш сезилиб турарди. Чунки йиғилиш бошиданоқ эркин фикр билдириш, фақат ютуқларни санамай, муаммоларни очиқ-ойдин айтиш муҳити яратилди. Давлатимиз раҳбари маъруза эмас, очиқ, самимий мулоқот қилди йиғилганлар билан, уларнинг таклифларини эшитди. Аксарият масалалар ўша ернинг ўзидаёқ ҳал этилди. Президентимиз томонидан илгари сурилган ва қатъий амал қилиб келинаётган очиқлик сиёсатининг амалдаги исботи эди бу.

...Рамазон ойи, баҳорнинг бошланиши элу юртимиз учун хайрли, барокатли келди, унутилмас тарихий воқеаларга бой бўлди. Бу қувончли онларнинг шавқу завқи, таассуротлари юртдошларимиз қалбида ўчмас из қолдиргани шубҳасиз. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилининг ҳар бир ойида, ҳар кунида шоду хуррамликлар, нурли воқеалар кўп бўлсин.

Ислоҳотлар амалда

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯНИНГ МУНТАЗАМ ҚУВВАТИ

**Мамлакатимизда ижтимоий соҳа объектлари модернизация қилиниши баробарида замонавий ва энергия тежамкор тизим билан таъминланяпти. Бундай янгиланишлар Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудларида ҳам инфратузилманинг яхшиланиб, аҳолига муносиб шароит яратилишида қўл келяпти. Ушбу вазифалар ижроси учун ҳудудларга грант маблағлари жалб қилинмоқда. Энергия тежамкор технологиялар босқичма-босқич жорий этиляпти. Ана шундай лойиҳалардан бири Чимбой туманидаги 23-мактабда амалга оширилди.**



— Мазкур таълим масканида 275 ўқувчи ўқийди. Германия халқаро жамиятининг 70 минг долларлик грант маблағи ҳисобидан мактабнинг иситиш ва электр таъминоти тўлиқ янгиланди. 35 киловатт қувватли иссиқлик насоси, 30 киловаттли қуёш панели ҳамда янги электр трансформатор ўрнатилди. Натижада 705 квадрат метр майдондаги бино қиш мавсумида самарали иситилиб, ёзда совитиш имкониятига эга бўлди, — дейди мактаб директори Райгул Аймурзаева. — Аввал мактаб табиий газ билан иситиларди. Сўнг 2-3 йил бурун кўмир билан иситишга ўтдик. Жорий йилдан бошлаб замонавий ва тежамкор иссиқлик насослари ўрнатилиб, суткасига 13-14 киловатт электр энергияси сарфланмоқда.

Қуёш панеллари орқали экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилиб, тармоққа тушадиган босим ҳам камайтирилди. Муҳими, ўқувчилар ва педагоглар учун йил давомида қулай ва барқарор таълим муҳити яратилди.

Президентимизнинг ҳудудларни, хусусан, чекка туманларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуслари доирасида бундай ишлар бошқа таълим муассасаларида ҳам давом этмоқда. Жумладан, Тахтакўпир туманидаги 11-давлат мактабгача таълим ташкилотида энергия таъминоти тизими янгиланди.

— Тахтакўпир тумани Жанадарё маҳалласи, хусусан, болажонлар учун жуда катта янгилик бўлди. Мазкур боғчада 60 га яқин ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу ерда замонавий иситиш тизими ўрнатилиб, кичкинтойлар учун иссиқ, хавфсиз ва қулай шароит яратилди. БМТнинг Тараққиёт дастури грант маблағлари ҳисобидан 10 минг долларлик иситиш тузилмаси бўйича грант ғолиби бўлган эдик, — дейди 11-давлат мактабгача таълим ташкилоти мудири Гулноз Шаханова. — Ҳозир кўмир билан иситишдан воз кечиб, замонавий, қулай ва тежамкор иссиқлик тизимига ўтдик.

Ҳозиргача БМТ Тараққиёт дастури грант маблағлари ҳисобидан 3 та объектда, яъни Тахтакўпир туманидаги 11-давлат мактабгача таълим ташкилоти, Чимбой туманидаги 23-мактаб ва Тахиатош туманидаги 23-мактабда иситиш тизими ўрнатилган.

Қорақалпоғистонда муқобил энергияга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Хусусан, қуёш панелларини ўрнатаётган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари сони кун сайин кўпайиб боряпти. Муҳими, “яшил” технологияларни жорий этиш истагини билдирган фуқаролар ва тадбиркорлар имтиёзга эга бўлмоқда. Яъни 3 йил муддатга мол-мулк ёки ер солиғи, шунингдек, ортиқча энергияни давлатга сотиб топган даромадининг фойда солиғидан озод этилган.



— Ўтган йили ноябрда уйимизга 5 киловаттли қуёш панелини ўрнатдик. Қиш бўлишига қарамай, булутсиз кунларда ҳам ойига 300 киловатт электр энергияси сотдик, — дейди нукуслик Алписбай Баймурзаев.

Қорақалпоғистон миқёсида 2025 йили “Қуёшли хонадон” дастури орқали 8700 та хонадондан ариза келиб тушган. Улар ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, 7442 та хонадон учун 52 мегаватт қувватдаги қуёш панеллари ўрнатиш учун аризалар тўлиқ қабул қилинган. 2025 йилда хусусий хўжаликлардан 44 миллион киловатт-соат электр энергияси тармоққа узатилган. Шундан 29 миллион киловатт-соати тармоққа сотилиб, давлат бюджетидан 29 миллиард сўм субсидия асосида фуқароларга тўлаб берилган.

— 2025 йилда қуёш панели ўрнатган хонадонлар ёз мавсумида ўртача 400-500 минг сўм даромад кўрди. Қишда қуёшли кунлар камлиги боис, 200-300 минг сўм атрофида фойда олинган. Ҳозир 2400 улгуржи истеъмолчимиз бор, — дейди “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Қорақалпоғистон ҳудудий филиали бўлим бошлиғи Мадияр Смайлов. — Ушбу истеъмолчиларга иккинчи тариф бўйича 1 киловатт учун 800 сўмдан белгиланган. 2025 йили 34 миллион киловатт-соат электр энергияси тармоққа узатилди. Шундан 30 миллион киловатт-соат ҳисобланиб, ҳисобрақамларига тушириб берилди.

Камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш ва “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардир. Буни Президентимизнинг жорий йил 9 февралдаги “Оғир” маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш орқали камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу ҳужжат асосида камбағаллик даражаси юқори маҳаллаларда кичик қуёш электр станциялари ўрнатилиб, камбағал оилалар барқарор даромад билан таъминланади. Энергетика вазирлиги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги билан бирга “оғир” маҳаллаларга даромад келтирадиган актив сифатида 300-500 киловатт-соат қувватли кичик қуёш электр станцияларини ишга туширишини белгиланган. Лойиҳани молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 110 миллион доллар миқдорда маблағ ажратилади.

Нукус туманида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, ҳудудни мунтазам электр энергияси билан таъминлаш мақсадида иккита кичик гидроэлектр станцияси (ГЭС) қуриб фойдаланишга топширилди.

— Нукус туманидаги “Ақтерек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Бўзатов канали оқимидан фойдаланиб, қуввати 15 киловатт-соат бўлган кичик ГЭС ва “Кердер” овул фуқаролар йиғинига қарашли Қизил уй овулидаги Тўрткўл каналининг сув ресурслари негизида соатига 30 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарадиган кичик ГЭС ишга туширилди, — дейди Нукус тумани ҳокими Зияуатдин Зайтов. — Бу аҳоли ва атрофдаги ижтимоий объектларни узлуксиз барқарор электр билан таъминлашга хизмат қилади.

Муқобил энергиядан фойдаланиш нафақат мунтазам қувват манбаи, балки қўшимча даромад келтирадиган тизимга ҳам айланмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Бандлик дастурини амалга ошириш учун қарийб 165 триллион сўм ажратилади. Бу пулни 30 дан ортиқ лойиҳага йўналтириш кўзланган.**

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Фаровонлик харитаси



# ДАРОМАД БОР ЖОЙДА КАМБАҒАЛЛИК БЎЛМАЙДИ

**Яқинда бир асар ўқидим. Бош қаҳрамон ўрта ёшлардаги соғлом, жисмонан бақувват, билаги кучга тўла, ақли расо эркак бўлишига қарамай, доим моддий қийинчиликлар гирдобида яшайди. Яхшигина қалами бор, бироқ фақат таҳририятлардан оладиган гонорар ҳисобига кун кўради. Аниқроғи, кун кўриш учун ёзиб туради. Доим катта орзулар билан яшайди. Аммо асар сўнгига қадар камбағаллигича қолади.**

Четдан қараганда, бунинг барчасига қаҳрамоннинг ўзи ёки тақдир айбдордек. У доим бу гирдобдан чиқишга уринса-да, жамиятнинг бефарқлиги, атрофдагиларнинг совуққонлиги, қўл узатадиган киши йўқлиги туфайли камбағаллик домига тобора чуқур кириб боради. Ҳеч ким унга кўмак беришни истамади. Барчанинг назарида у ночор кимса эди.

Камбағалликнинг илдизи кўпинча ана шундай бефарқликка бориб тақалади. Ночор, ишсиз одам жамиятдан узилиб қолади, ўзини атрофга бегонадек ҳис қилади. Ёрдам берадиган бир неча кишини айтмаса, одамлар ҳам ундан четроқ бўлишга интилади. Чунки қўлдан берганга қуш тўймас. Ишсиз, доимий даромадга эга бўлмаган одам ўзини ўнглаб олиши барибир қийин. Қўлида ҳунари, касб-кори бўлмаган киши тайинли иш топиши ҳам амри маҳол. Натижада камбағаллик фақат моддий етишмовчилик эмас, балки руҳий тушкунлик, ўзини кераксиз ҳис қилишга олиб келади.

Янги Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш бошланган дастлабки кунларданоқ ана шундай боши берк кўчага кириб қолган инсонларга ёрдам қўли узатилди. Бу шунчаки моддий кўмак эмас, балки реал ва доимий даромадга эга бўлиш, фаровон ҳаёт кечириш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида барча қулайликлардан фойдаланиш учун берилаётган имконият ва имтиёзлар эди.

Шу тариқа юртимизда камбағалликни қисқартириш миллий ҳаракатга айланди. Ўтган даврда бу ҳаракат бир муддат бўлса-да тўхтамади. Йилдан йилга фаоллашиб, такомиллашиб боряпти. Шунга яраша камбағаллик кўрсаткичи ҳам пасаймоқда. Ўтган йили камбағаллик 8,9 фоиздан 5,8 фоизга туширилди. 2026 йил якунида 2,8 фоизга тушиши, 2030 йилга бориб эса мамлакатимизда камбағалликка тўлиқ барҳам бериш вазифаси қўйилган.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Уларнинг ортида оилалар фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, чора-тадбирлар турибди. Йўналишлар, ҳаракатлар кўлами ниҳоятда кенг. Юртимиздаги ҳар бир соҳа деярли ана шу вазифага йўналтирилган. Биргина бандлик йўналишини олайлик. Маълумотларга кўра, ўтган йили 5,4 миллион юртдошимизнинг бандлиги таъминланиб, миллионлаб одам доимий иш ўрни, тадбиркорлик ва янги иқтисодий имкониятлар орқали даромад манбаига эга бўлди. Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари кўмагида маҳаллаларда 410 мингга яқин микролойиҳа ишга туширилиши натижасида 840 минг кишининг расмий бандлиги таъминланди.

## Ҳар бир хонадондан фуқарогача

Аҳоли бандлигини таъминлаш камбағалликни қисқартиришнинг асосий ва энг муҳим қисми. Чунки камбағал оила аъзоларига ҳар қанча моддий кўмак берилмасин, доимий иш жойи бўлмаса, турмушини изга солиб олиши қийин кечади. Бу тушунарли. Аммо масаланинг бошқа жиҳати бор. Гап шундаки, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамма мамлакатда долзарб масалалардан.

— Бугун дунё эътироф этаётган, керак бўлса, намуна олаётган янги тараққиёт моделининг ўзига хослиги ҳам шунда — аҳолининг ишсиз қатлами учун турли йўналишларда доимий даромад манбаини яратишга қаратилган. Жумладан, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда асосий етти тамойил танлаб олинган. Бу фақат молиявий ёки



ижтимоий хизматлар билан чекланиб қолмайди, — дейди камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари Марат Жўраев. — Бунда аҳолининг таълим олиши, тиббий хизматлардан фойдаланиши, яшаш шароити, маҳалла инфратузилмасини яхшилаши, давлат органлари билан тўғридан тўғри мулоқот қилишини таъминлаш кабилар қамраб олинади. Ана шу йўналишлар бўйича камбағал оилаларга 200 дан ортиқ хизмат кўрсатиб келинмоқда. Барқарор бандлик йўналишида оилаларни хизматлар билан қамраб олиш, юқори даромад топишга қаратилган саъй-ҳаракатлар шулар жумласидан. Бу йўналишда 50 дан ортиқ хизмат мавжуд бўлиб, улар касб-ҳунарга ўқитиш, доимий ишга жойлаштириш ҳамда тадбиркорликка жалб қилиш кабиларни қамраб олади. 2025 йили камбағал оилалар реестрига киритилган 523 минг оилага “индивидуал режалар” асосида даромадини оширишга қаратилган қарийб 951 мингта хизмат кўрсатилди.

Натижада 369 минг киши доимий ишга жойлаштирилди, 132 минг фуқарога кредит ва субсидия ажратилди, 395 минг юртдошимиз тадбиркорликка жалб қилинди, 54 минги касб-ҳунарга ўқитилди. Шу тариқа 2 миллион кишининг моддий аҳволи яхшиланиб, камбағалликдан чиқарилди. Бундан ташқари, камбағалликни қисқартириш бўйича 32 йўналишда пилот лойиҳалар амалга оширилиб, 120 минг камбағал оиланинг даромадини кўпайтириш ҳисобига реестрдан чиқаришга эришилди.

Юртимизда камбағалликни қисқартириш бўйича Хитой ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибаси асос қилиб олинганидан хабардормиз. Аммо бу дастлабки ҳаракатлар учун зарур тажриба эди. Кейинги қадамлар фаоллашиб кетди. Бу борада яратилган аҳоли бандлигини таъминлашдаги кўплаб йўналишлар мамлакатимизгагина хос ноёб амалиётга айланди. Хонадонлардаги томорқани даромад манбаига айлантиришдан тортиб, бўш ерларни камбағал оилалар, ёшларга имтиёзли шартларда ажратиб бериш, тадбиркорлар учун ташкил этилаётган катта-кичик саноат зоналари сўзимиз тасдиғидир.

Бу борада энг катта самара берган тажрибалардан бири маҳаллабай ишлаш тизими ва “маҳалла еттилиги” фаолиятининг йўлга қўйилганидир. У нафақат юртимиз, балки жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ, ноёб тажриба. Янгича ёндашув ҳар бир хонадонни молиявий инструментлар билан қамраб олиш имконини берди. Бугун аксарият лойиҳа ва ҳаракатлар маҳаллада амалга ошириляпти. Камбағалликка барҳам бериш чоралари ҳам маҳаллаларнинг ўзида кўриляпти. Маълумотларга кўра, ўтган йили юртимиздаги 1435 маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айлантирилди. Жорий йилда бу рақамни 3500 тага етказиш кўзланган.

## Шароити оғир ҳудудларга қўшимча маблағ ажратилади

Бир қарашда маҳалла доирасида одамларни даромадли қилиш имконсиздек кўринади. Ахир кичик ҳудудда қанча ҳам иш ўрни очиш мумкин деб ўйлардик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар бунинг аксини кўрсатди. Биргина томорқачилик йўналишини олайлик. Авваллари ҳовлисидаги томорқадан фақат ўз эҳтиёжи учун фойдаланган одамлар бугун кичик майдондан яхшигина даромад топяпти. Йилда бир неча маротаба ҳосил етиштираётган айрим оилалар шунинг ўзидан рўзғор тебратиб, кам-кўстини бутлаяпти. Масалан, 10 сотих ердан баъзи хонадонлар йилига 5-10 миллион сўм даромад топаётган бир вақтда худди шунча майдондан 150-200 миллион сўм пул ишлаётган оилалар бор. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан ана шундай илғор тажрибалар турли ҳудудларда оммалаштирилмоқда. Хонадонларда томорқа мактаблари ташкил этилиб, аҳолининг деҳқончилик кўникмаларини ошириш бўйича ишлар бажариляпти. Жорий йилда 84 та кўргазмали ўқув-тажриба майдонини барпо этиш кўзда тутилган.

Қолаверса, бир турдаги маҳсулотни етиштириб, катта миқдорда экспорт қилаётган ихтисослашган маҳаллалар пайдо бўлди. Ўтган йили “Бир маҳалла — бир маҳсулот” дастури доирасида 1944 маҳаллада айни шу тамойил йўлга қўйилган бўлса, бу йил уларнинг сонини камида 2500 тага етказиш мақсад қилинган. Яхши жиҳати, бир ҳудудда бир турдаги маҳсулотларни экиш агротехник жиҳатдан парваришлаш, йиғиб олиб сотиш нуқтаи назаридан ҳам бир хил ёндашувни таъминлаб, экспортда катта қулайлик яратади. Бу тажриба катта майдонларда қўлланаётгани боиси ҳам шунда. Жорий йилда 117 туманда камида 50 гектар майдонда саноатлашган плантациялар ташкил қилиб, “бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосидаги ишларни 145 минг гектарга етказиш кўзда тутилган.

— Маҳаллаларни чуқур ихтисослаштириш самара беряпти, — дейди Марат Жўраев. — Бундай маҳаллада ишсизлар, мигрантлар ва муаммоли кредитлар кам бўлади. Чунки деярли ҳар бир хонадон муайян йўналишда банд бўлади. Бугун юртимизда 8992 маҳалла бўлса, шундан 3207 таси чуқур ихтисослашган. Бу мана шу маҳаллаларнинг ҳар бирида 50 фоиздан кўпроқ хонадон айнан бир турдаги йўналишда иш юритади, дегани. Ушбу йўналишлар ҳар бир маҳалланинг ўзига хос жиҳатлари, нисбий устунлиги ва бошқа омиллар асосида танлаб олиниб, алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Унинг ижроси ҳам қатъий назоратга олинган.

Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги Бешкапа маҳалласига борсангиз, деярли ҳар бир хонадон соҳибини арқон тўқиётган ҳолда учратасиз. Чунки бу манзил “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида арқон ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 300 дан ортиқ хонадон шу ҳунар ортидан даромад топяпти. Илгари қўлда, чекланган ҳажмда тайёрланган маҳсулотлар бугун замонавий ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда. Арқон тўқиш, от-улов анжомлари, занжир ва ҳалқа тайёрлаш жараёни механизациялашган. Маҳалла амалда кичик саноат кластерига айланди. Шу боис, бу ерни кўпчилик арқончилар маҳалласи сифатида яхши билади.

Одамларнинг ўзи билан гаплашсангиз, даромади яхши эканини айтади. Хонадонида тўрттагача дастгоҳи бор касаначилар 12 миллион сўмгача даромад топар экан. Айрим хонадонларда тикув-трикотаж цехлари учун белбоғ, безак, пойабзал ишлаб чиқарадиган корхоналарга боғич тайёрланади. Бунинг учун ўртача 15-20 та замонавий ускуна ўрнатилган. Касаначилар бозорни мунтазам таҳлил қилади. Мижозлар талабига қараб маҳсулотлар тури ва дизайнини муттасил янгилаб боради. Баъзи хонадонларда иш кўлами анча кенгайиб, каттароқ жойга эҳтиёж пайдо бўлган. Шу боис, маҳаллада 5 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил этиш режалаштирилган. Хонадонлардаги ишлаб чиқариш жараёни мазкур ҳудудга кўчирилади.



Гап рақамларда эмас, натижада. Маҳаллаларнинг ўзида иш ўринлари очиш жуда катта ҳаракат ҳамда самарали имкониятдир. Аммо бунинг учун шароит зарур. Масалан, томорқадан унумли фойдаланишга сув таъминоти керак. Тадбиркорликни ривожлантириш, саноат зоналари ташкил қилиш учун йўллар инфратузилмаси, электр энергияси ва кўчаларни ёритиш тизимини яхшилаш талаб этилади.

— Ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб энг оғир аҳволдаги маҳаллаларни танлаб олиб, уларда инфратузилма, сув таъминоти, ички йўллар, кўчаларни ёритиш бўйича лойиҳалар амалга оширилгани катта самара берди, — дейди Марат Жўраев. — Чунки камбағаллик асосан шароити оғир ҳудудларда кўп бўлади. Бу ҳудудларни ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш мумкин. 2025 йилда жами 1024 та маҳалла танлаб олиниб, шундан сув таъминоти оғир 864 маҳалладаги хонадонлар суғорма сув билан таъминланди. Баъзи хонадонларга илк бор обиҳаёт кириб борди. Натижада 80 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилиб, одамларга даромад келтирадиган активга айланди. 954 маҳалланинг электр энергияси таъминоти яхшиланди. Бу йил ҳам шароити оғир 37 туман ва 915 маҳаллани танлаб олганмиз. Ушбу маблағ, биринчи навбатда, ўша туман ва маҳаллалардаги инфратузилмани яхшилаш, одамларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилади.

* * *

Маълумотларга кўра, бугун юртимизда меҳнат ёшидаги 21 миллиондан зиёд фуқаро мавжуд. Айни пайтда 38 миллион фуқарога эга Ўзбекистон учун бу катта меҳнат ресурси. Жорий йил аввалида мамлакатимиздаги ишсизлик даражаси 4,8 фоизни ташкил этгани ҳолда йил сўнгига қадар буни 4,5 фоизга тушириш режа қилинган. 2026 йил учун Бандлик дастури ҳам тасдиқланган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотига кўра, мазкур дастур таркибий жиҳатдан уч қисмга бўлинади. Биринчиси, йил охиригача 1 миллион фуқарони доимий ишга жойлаштириш режаси бўлса, иккинчиси, 4 миллион кишининг даромадини оширишга қаратилган. Бунда аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш, касаначилик, микролойиҳаларни йўлга қўйиш ишлари жадал давом эттирилади. Учинчи режа эса норасмий иш ўринларини соядан чиқариш бўйича кўрсаткични 1 миллионга етказишга қаратилган. Бу ўтган йиллардагидан 2 баробар кўп экани айтилмоқда.

Бандлик дастурини амалга ошириш учун қарийб 165 триллион сўм ажратилади. Бу пулни 30 дан ортиқ лойиҳага йўналтириш кўзланган. Хусусан, “Бандлик органлари — иш берувчилар ҳамкори”, “Барқарор келажак сари”, “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш”, “Меҳнатсевар аёл”, “Тенг имконият” каби янги дастурлар ишга туширилади. Бу лойиҳаларнинг ҳар бири орқали ўнлаб, юзлаб фуқаролар касб-ҳунарли, ишли бўлади. Мақсад ҳам шу — лойиҳаларни режанинг ортидан қувиб эмас, балки ақл билан, замонавий ёндашувлар асосида амалга оширишга қаратилган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ишга туширган “Осон иш” платформаси ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Лойиҳа одамларга замонавий, рақамлашган тизим орқали иш топишга кўмаклашади. Тизим иши сунъий интеллектга асосланади. Иш изловчи ҳамда иш берувчига мос бўш иш ўринлари бўйича маълумотларни саралаб, автоматик рўйхатни шакллантириб беради. Саралаш модули малака, мутахассислик, ҳудуд, маош каби беш йўналиш бўйича танлайди. Сараланган иш ўринлари талабгор ёки иш берувчига неча фоиз мос келишигача кўрсатиб беради. Яъни мазкур платформа электрон меҳнат бозори бўлиб, иш излаш ва топишни тезлаштириш, шаффоф механизм сифатида самарадорликни оширишга хизмат қилади.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Инвестиция

# “ЯШИЛ” ҲАМКОРЛИК

**Франция тараққиёт агентлиги Фарғона шаҳридаги “Status soft” оилавий корхонасига сармоя киритди. Натижада тадбиркор интенсив усулда форель балиқлари кўпайтиришни йўлга қўйди. Асосан совуқ сув ҳавзаларида парваришланадиган бу балиқ тури ҳозиргача вилоят шароитида етиштирилмаган эди.**

— Форель балиқларини етиштириш ва зарур қурилмаларни сотиб олиш учун Франция тараққиёт агентлигидан 1 миллиард 50 миллион сўмлик кредит олдик, — дейди “Status soft” оилавий корхонаси раҳбари Умиджон Мадаминов. — Балиқни интенсив усулда парваришлаш катта масъулият талаб қилади. Лойиҳани бошлашдан олдин турдош корхоналар ишини ўргандик. Форель балиғи кўп кислород талаб қилади. Бир литр сувдаги кислород миқдори 7,5 миллиграммдан кам бўлмаслиги керак. Шу боис, кислород ишлаб чиқарадиган ва сувни зарарсизлантирадиган қурилмалар ўрнатдик. Ҳозир сиғими 10 куб метрли кичик сув ҳавзасида 5000 та форель балиғини парваришлаяпмиз. Сув ҳарорати доим 13-14 даражада бўлиши керак. Узлуксиз кислород, юқори оқсилли махсус озуқалар бериб борилади.

Дастлабки натижадан кўнгли тўлган тадбиркор лойиҳа кўламини кенгайтирмоқчи. Ҳозиргача балиқ боқиш учун қўшимча 26 та кўл қурилди. Бу бир мавсумда 100 тоннадан ортиқ бозоргир маҳсулот етиштириш имконини беради. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, балиқчилик мактаби ҳамда балиқ чавоқлари тайёрлашга ихтисослашган лаборатория фаолияти йўлга қўйилади.

Фарғона туманидаги Жалолиддин Ғоипов фермер хўжалигида ҳам янги лойиҳа ишга туширилди. Чорвачиликка ихтисослашган хўжалик экин ерларини суғориш учун шу кунгача электр энергиясига катта маблағ сарфлаган. Бу маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш билан боғлиқ харажатни кўпайтириб, таннархни оширган. Франция тараққиёт агентлиги фермер хўжалиги ҳудудида қуёш панелларини ўрнатиш учун 300 миллион сўмлик кредит ажратди.



— Экин майдонларини суғоришда электр энергияси билан боғлиқ муаммоларга дуч келганмиз, — дейди фермер Бахтиёр Усмонов. — Янги лойиҳа туфайли нафақат сув қудуқлари, балки хўжалик бинолари ҳам барқарор электр энергияси билан таъминланди. Харажат камайиб, самарадорлик ошди.



> **“Ҳозир сиғими 10 куб метрли кичик сув ҳавзасида 5000 та форель балиғини парваришлаяпмиз. Сув ҳарорати доим 13-14 даражада бўлиши керак. Узлуксиз кислород, юқори оқсилли махсус озуқалар бериб борилади.”**

“Ёрдон” наслчилик фермер хўжалигида бир миллиард сўм кредит ҳисобига томчилатиб суғориш тизими жорий этилди. Бу лойиҳа 50 гектардан ортиқ озуқа экини ерини узлуксиз сув билан таъминлаб, ҳосилдорликни оширишда қўл келмоқда. Грант маблағлари кенг қамровли “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилаётгани билан эътиборни тортади. Хусусан, сут ва гўштни қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, сифатли озуқа еми ишлаб чиқариш, интенсив балиқчиликни ривожлантириш, замонавий молхона ва товуқхоналар қуриш, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш каби йўналишлар устувор. Шунингдек, қуёш панеллари ўрнатиш, томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш, озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш сингари “яшил” инвестицияларга алоҳида эътибор қаратилган.

— Франция тараққиёт агентлиги “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида Фарғона вилоятида умумий қиймати 147,1 миллион евро бўлган 29 та истиқболли дастурни амалга оширмоқда, — дейди координатор Санжарбек Эргашев. — Натижада 800 дан ортиқ янги иш ўрни очилди. Ташаббускор тадбиркорларга 10 йилгача муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан 100 минг еврогача кредит ажратилмоқда. Аҳамиятлиси, лойиҳа муваффақиятли чиқса, берилган маблағнинг 30 фоизи грант сифатида қайтарилади. Аёллар ёки 24 ёшгача бўлган ёш тадбиркорлар учун эса бу кўрсаткич 40 фоизгача етади.

Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигидаги ҳаётбахш лойиҳалар ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини оширмоқда. Одамларни ишли қилишда қўл келиб, ҳудудлар ободлигига хизмат қиляпти.

**Расул НАЗИРОВ,**
**журналист**

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_

## Юксалиш палласи

**Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми ёшлардан иборат. Президентимиз таъкидлаганидек, юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ўғил-қиз тимсолида жуда катта ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий кучни кўрамиз. Кейинги йилларда фарзандларимиз қўлга киритаётган ютуқлар ва улар учун яратилаётган имкониятлар кўлами ортиб бораётир.**
**Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг атрофида ёшлар кириб келмоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич бир миллионга етиши мумкин. Шу боис, ёшларни замонавий билим ва касб-ҳунарга ўргатиш, меҳнат бозори талабларига мос ҳолда тайёрлаш энг устувор вазифаларимиздан. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, саноат тармоқлари учун зарур маҳсулотлар етказиб бериш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда инновацион тараққиётни жадаллаштиришда аграр соҳа ҳал қилувчи аҳамиятга эга.**






# БАРҚАРОР АГРАР ТАЪЛИМ:
## ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМ



**Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,**
**Тошкент давлат аграр университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

### Саноат модернизацияси ва технологик ўсиш асоси

Халқаро тажриба дуал таълим тизими иқтисодий барқарорлик ва ёшлар бандлигини таъминлашда самарали механизм эканини кўрсатади. Германия, Хитой ва Австрия каби давлатларда мазкур тизим ёшлар ишсизлигини камайтиришда муҳим омил бўлган. Хусусан, Германия мисолида таълим жараёнидаёқ иш тажрибасига эга бўлиш имконияти ёшлар ишсизлик даражасининг пасайишига хизмат қилган. Жанубий Корея, Сингапур ва Япония каби давлатлар ҳам ишлаб чиқаришга йўналтирилган таълим модели орқали саноат модернизацияси ва технологик тараққиётга эришган. Демак, назария ва амалиёт уйғунлашган шароитда кадрлар тайёрлаш сифати ва иқтисодий самарадорлик юқори бўлади.

Мазкур таълим турининг устун жиҳатлари бисёр. Жумладан, талабалар реал ишлаб чиқариш муҳитида тажриба орттиради. Назарий билимлар амалиёт орқали мустаҳкамланади. Меҳнат интизоми ва ишлаб чиқариш маданияти шаклланади. Шу билан бирга, талабалар ўқиш давридаёқ даромад манбаига эга бўлади. Битирувчилар тайёр мутахассис сифатида меҳнат бозорига кириб боради. Бу эса ёшларнинг касбий мослашув жараёнини тезлаштиради ва ишсизлик хавфини камайтиради.

Айни жиҳатларни назарда тутган ҳолда, Тошкент давлат аграр университетининг қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва агромуҳандислик таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун дуал таълим тизими жорий этилди. Мазкур ташаббус доирасида талабалар Чирчиқ шаҳридаги “Chirchiq Agro-Tech klaster”да амалиёт ўтаяпти. Бу эса талабаларнинг ишлаб чиқариш муҳитида амалий тажриба тўплаш ва меҳнати учун ҳақ олиш имкониятини яратмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 9 декабрдаги “Пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан университетимизда “янги агроном” тизими йўлга қўйилди. Мазкур ташаббус доирасида 2-3-босқичдан изланувчан, ташаббускор ва хорижий тилларни пухта эгаллаган 180 талаба ҳудудлардаги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган кластер ҳамда фермер хўжаликларига бириктирилиб, амалий ишлар бошлаб юборилди.



“Янги агроном” тизимининг асосий вазифаси замонавий билим ва илмий изланишларга таянган, инновацион фикрлайдиган, янги навлар, интенсив технологиялар ва ресурс тежовчи ечимларни амалиётга татбиқ эта оладиган мутахассислар тайёрлашдан иборат. Шу жараёнда таълим кластери принципи устувор аҳамиятга эга бўлиб, “университет – илмий муассаса – фермер хўжалиги – кластер” ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу ташаббус орқали замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган янги авлод агрономлари шаклланади. Ҳосилдорлиги паст хўжаликларда илмий ёндашув кучайиб, самарадорликни ошириш бўйича аниқ тавсиялар жорий этилади. Шунингдек, сув тежовчи ва рақамли агротехнологиялар, қишлоқ хўжалигида сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти кенгаяди. Натижада кластер ва фермерлар ўртасида илғор тажриба алмашинуви кучайиб, инновацион технологияларни қўллаётган хўжаликлар сони ортиб боради.



**“АГРОМУҲАНДИСЛАР МАКТАБИ” йўналишига мос ишлаб чиқариш ташкилотлари белгиланиб, уларнинг техник ва технологик ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳамкорликда сунъий интеллектга асосланган замонавий лаборатория ташкил этилади.**

### Рақамли трансформация ва компетенциялар

Рақамли технологиялар жадал ривожланаётган шароитда университетда замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, “Агромуҳандислар мактаби” ташкил этилмоқда. Унда қишлоқ хўжалигида сунъий интеллект, робототехника, автоматлаштириш, геоахборот тизимлари, дрон технологиялари ва рақамли агротехнологиялар бўйича махсус ўқув курслари, таълим дастурлари йўлга қўйилади.

“Агромуҳандислар мактаби” йўналишига мос ишлаб чиқариш ташкилотлари белгиланиб, уларнинг техник ва технологик ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳамкорликда сунъий интеллектга асосланган замонавий лаборатория ташкил этилади. Ушбу мактабда ишлаб чиқариш ташкилотлари тақдим этган муаммолар портфели асосида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш ҳамда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига робототехника, дрон ва бошқа қурилмалар ёрдамида ердан самарали фойдаланиш, тупроқ таҳлилини ўтказиш, экинларни парваришлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича пулли хизмат кўрсатилади.

Бундан ташқари, йирик ишлаб чиқариш ташкилотлари билан қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтидорли талабалар ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг илмий изланишларини молиялаштиришга эътибор қаратилган. Курслар якунида талабаларга махсус сертификат берилади ва улар агрокластер, фермер хўжаликлари ҳамда корхоналарга рақамли хизмат кўрсатиш амалиётида иштирок этади.

Президентимизнинг 2026 йил 13 мартдаги “Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашнинг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида қишлоқ хўжалигида механизациялаш даражасини ошириш, жумладан, 2026 йилда пахтани машиналар ёрдамида териб олиш улушини 70 фоизгача етказиш белгиланган. Демак, соҳада қишлоқ хўжалиги техникалари, пахта ва ғалла комбайнларини бошқариш операторларига эҳтиёж ортади.

Шундан келиб чиқиб, университет талабаларининг амалий кўникмасини ошириш мақсадида диплом билан бирга қўшимча малака бериш тизими йўлга қўйилади. Жумладан, биринчи курсни тамомлаган талабалар тракторларни бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини олиши мумкин. Иккинчи курсни тамомлаган, мазкур гувоҳномага эга талабаларга эса қўшимча равишда замонавий пахта териш машиналари ва ғалла комбайнлари ҳамда занжирли тракторларни бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш имконияти тақдим этилади.

Тошкент давлат аграр университетида жорий этилган дуал таълим тизими, амалий машғулотларнинг агрокластерлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилиши, қўшимча касбий малака бериш курслари ҳамда рақамли технологияларга асосланган ўқув дастурлари битирувчиларнинг рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради. Мазкур тизим натижасида университет битирувчилари агрокластерлар, фермер хўжаликлари, саноат ва сервис корхоналарида ўз мутахассислиги бўйича тўлиқ иш билан таъминланмоқда. Дуал таълим асосида тайёрланаётган янги авлод агрономлари, агромуҳандис ва технолог мутахассислар эса агросаноат мажмуасининг таянчи бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлиги ва мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

## Долзарб мавзу

# ТРЕНДМИ ёки ТАҲДИД?



## КИБЕРБУЛЛИНГнинг ХАВФЛИ ДИНАМИКАСИ

**ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, дунё бўйича 15-24 ёшдаги аҳолининг 70 фоиздан ортиғи интернетдан фаол фойдаланади. Бу эса, табиийки, ёшлар онгида ахборот таъсири кескин кучайишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолатни ўрганиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш айни пайтда долзарб вазифалардан. Чунки кейинги пайтларда аҳолининг ёш қатлами бевосита тармоқлардаги кайфият, мулоқот таъсирида вояга етмоқда. Афсуски, ўсмирларнинг қўлидаги телефонни назорат қилиш мушкул бўлиб қолди.**



**Камолиддин ТЎРАЕВ,**
**фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент**

Шундай пайтда уларга тақиқ эмас, интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргатиш билан вазиятни яхши томонга ўзгартириш мумкин. Бироқ бизда ҳали ҳам интернетдан фойдаланиш маданияти тўла шаклланиб улгурмаган. Хусусан, айниқса, ёшлар орасида кибермаконда тез-тез учрайдиган кибербуллинг ҳолати кўпчиликни хавотирга солаётган масалалардан бўлиб турибди. ЮНЕСКО тадқиқотларига кўра, дунёдаги ўқувчиларнинг қарийб 32 фоизи турли шаклдаги буллингга дуч келган, шундан 15-20 фоизи кибербуллинг қурбони бўлган.

Жаҳон бўйлаб ижтимоий тармоқларда ўсмирларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатлари, жумладан, кибербуллинг бўйича юз бераётган ҳолатлар сони ортмоқда. Pew Research Center маълумотларига кўра, ўсмирларнинг 59 фоизи камида бир марта онлайн ҳақорат ёки босимга дуч келган. ЖСТ маълумотлари эса кибербуллинг қурбонларида депрессия ривожланиши хавфи икки баробар юқори экани, ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли сезиларли даражада ортишини кўрсатади.

Виртуал тажовузнинг турли вариантлари мавжуд. Оғзаки зўравонлик, дўқ-пўписа, камситиш ёки бошқа фойдаланувчига нисбатан масхара, ҳақорат ёки таҳдид шулар жумласидан. Бир гуруҳ одамларнинг ёзишмалар орқали шахсни қабул қилмаслик, рад этиш ва у билан мулоқот қилишни истамаслик ҳолати гуруҳ зўравонлигидир. Бунга кичик мисол — гуруҳни танлаш ёки бошқалар билан бирга мулоқотга қўшилиш истагига қарамай, иштирокчини умумий суҳбатдан мажбуран четлатиб юбориш. Бошқа шахсларнинг фото ва видеоматериалларини ижтимоий тармоққа жойлаштириш ҳамда тарқатиш мақсадида рухсатсиз фойдаланиш визуал зўравонлик деб аталади.

Олимлар Твиттер, яъни X платформасидаги ўсмирларнинг кибертажовузкорлигини таҳлил қилди. Натижалар тажовузкорларни тавсифлаш ва аниқлаш қийинроқ эканини кўрсатди. Чунки улар оддий фойдаланувчилар каби эътиборни жалб қилмай, ўзини жуда сипо тутиши мумкин, лекин айни пайтда кибербуллингдан фойдаланишга қодир. Бундай ҳолатда агрессия кибербуллингдан тизимли эмаслиги билан фарқ қилади. Шунинг учун кўпинча унга жиддий зарар келтирувчи сабаб сифатида қаралмайди. Бироқ бу жабрланувчининг психологик тўкислигига салбий таъсир кўрсатади ва такрорий онлайн таъқиблар билан бир хил оқибатларга олиб келиши мумкин.



Кибербуллингнинг ўзига хослиги ва ортиб бораётган хавфи шундаки, анонимлик, яъни шахсини яширгани туфайли тажовузкор жазосиз қолиши ва ҳаракатлари учун ўзини айбдор ҳис қилмаслиги мумкин. Жабрланувчи эса мунтазам ташвиш ва қўрқувни ҳис қилади. Кибербуллингнинг кенг тарқалган шаклларига қўрқитиш ёки мунтазам юборилган ҳақоратли хабарлар киради. Бошқа бировнинг шахсий маълумотларини розилигисиз ошкор этиш, бошқа фойдаланувчининг обрўсига путур етказиш мақсадида уни камситувчи маълумотларни тарқатиш ёки чоп этиш, кўпинча бошқа фойдаланувчига қаратилган таҳдидлар билан бирга кибертаъқиб қилиш, троллинг ёки масхаралаш, ҳақоратлаш ва одобсиз сўзларни ишлатиш орқали буллинг қурбонига таъсир кўрсатади.

Аксарият ҳолларда хулқ-атвори тажовузкор ўсмирлар киберҳужум қурбонларидан кам бўлмаган даражада ёрдамга муҳтож. Россиялик тадқиқотчилар ҳар хил даражадаги кибербуллинг хавфи остида бўлган ўсмирларнинг турли даражали ҳолатини аниқлади. Маълум бўлишича, уларнинг аксарияти учун ташқаридан ёрдам сўраш одатий ҳол эмас ва пайдо бўладиган хавфларни мустақил енгиш қобилияти интенсив фойдаланиш билан боғлиқ. Бундан ташқари, АҚШлик ўсмирлар орасида онлайн безорилик тарқалишини тизимли кўриб чиқиш мақсадида ўтказилган 32 та тадқиқот натижасида мамлакатда кибербуллингнинг тарқалиши 1 дан 41 фоизгача ўзгариб туриши маълум бўлди. Шу билан бирга, қурбон бўлиш хавфи 72 фоизгача, тажовузкор позициясини эгаллаш эса 16,7 фоизгача етиши мумкин. 2019 йилда Россияда ёш фойдаланувчиларнинг қарийб 70 фоизи кибербуллингдан азият чекаётгани, 44,3 фоизи эса бошқа одамларга нисбатан кибербуллингдан фойдаланиши қайд этилган.

Бу ўсмирларни кибербуллингга нима ундайди деган савол бугун аксарият тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарни бирдай қизиқтираётгани табиий. Ўрганишларга кўра, ўсмирнинг ўтмишда таҳқирлангани учун қасос олишга интилишидир. Тенгдошларининг босими ҳам ўқувчиларни онлайн безориликка ундаши мумкин. Чунки улар ўзи учун обрўли шахс сифатида ҳаракат қиладиган дўстлар гуруҳига мослашишга интилади.

Баъзи тадқиқотларга кўра, кибербуллинг қурбони бўлиш эҳтимоли аёллар орасида юқори. Интернетда кўп вақт ўтказадиган ва онлайн хавфли хатти-ҳаракатларга жалб қилинган, шунингдек, анъанавий мактаб безорилиги қурбони бўлганлар аксарият ҳолларда қизлардир.

Ўсмир болалар кибербуллингга кўпроқ мойил бўлади. Қизлардан фарқли ўлароқ, улар ўсмирлик даврида тажовузкор зўравонликни бошдан кечиради ва бу ҳақда ота-оналарга ёки ўқитувчиларга камроқ хабар беriladi.

Кибербуллинг болалар ва ўсмирларнинг психологик тўкислигига сезиларли таъсир кўрсатса-да, бу таъсирни камайтирадиган қатор омиллар мавжуд. Биринчи навбатда, оилавий муносабатлардан қониқиш ҳисси кибербуллинг қурбонларининг ўз жонига қасд қилиш ниятини камайтиради. Бундай хавфни камайтирадиган яна бир омил мактабдаги муҳитнинг назорат қилиниши ва тартибга солинишидир. Шунингдек, кибербуллингнинг олдини олишдаги асосий йўналишлар сифатида интернет платформаларининг хавфсизлик даражасини ошириш, болалар ва ота-оналарни интернетда адекват хатти-ҳаракатларга ўргатиш каби мезонлар муҳим.

Баъзи ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларда махфийлик созламаларини ўрнатиш имконияти мавжуд. Бу эса фойдаланувчиларга салбий шарҳлардан қутулиш ва ҳуқуқбузарларни блоклаш имконини беради. Шу билан бирга, тармоқ маъмуриятига ёзиш ёки зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш мумкин.

Интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожлангани сайин бизнинг жамиятга ҳам кибербуллинг хавфи ортиб бормоқда. Мактабларда ўсмирларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатларининг олдини олиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилиши лозим. Педагогларнинг психологик компетенциясини ошириш ва вояга етмаганларнинг тенгдошлари билан муносабатларидаги психологик муаммоларни бартараф этиш зарур. Виртуал зўравонликдан азият чекканлар билан индивидуал ва гуруҳли психотерапия усуллари орқали шуғулланиш тавсия этилади.

Кибербуллинг ва анъанавий мактаб зўравонлигининг ўзаро боғлиқлиги долзарб масаладир. Безориликнинг бу турларидаги одатий кетма-кетлик ва ривожланиш қай ҳолатда экани, мулоқотнинг қандай шаклларидан фойдаланилиши ва уларни безорилик жараёни иштирокчилари қандай қабул қилишини аниқлаш виртуал ҳамда реал тажовузнинг тузилиши ва динамикасини аниқлашга ёрдам беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news








# “ЎЗБЕКИСТОН ДЕЯ АТАЛУР...”

## ВОДИЙ УЗРА БАҲОРИЙ ТАНТАНАЛАР



**Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси, профессор**

**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти йўлланмаси билан “Наврўз сайли” фестивали доирасида водий сари йўл олдик.**

### Сўх ва Шоҳимардон байрамлар оғушида

Фарғона ва Қирғизистоннинг Боткен вилоятлари орқали ўтган Сўх-Риштон йўли бўйлаб денгиз сатҳидан минг метр баландликдаги Олой тоғ тизмалари билан ўралган Сўх туманига кириб бордик. Унинг хушманзара табиати, мўътадил иқлими, турнанигоҳ булоқлари ва бошига булутлар қўнган арчали тоғлари кўзни қувонтиради. Бу сўлим гўша экотуризм, агротуризм, қишлоқ туризми, этнотуризм, тиббиёт ва альпинизмни ривожлантириш учун қулай маскан эканига амин бўлдик.

Хўжа Ориф, Қулфи Занжиркушод, Султон Маҳмуд Ғазнавий, Ҳазрат Али ва Равон зиёратгоҳлари бу кўҳна замин тарихидан сўзлайди. 1890 йили бу ҳудуддан илон шакли бўрттириб туширилган тоштумор топилган. Археологлар бу тумор милоддан аввалги III минг йиллик охири — II минг йиллик бошларига мансуб эканини илмий жиҳатдан исботлаб берган. Айниқса, Сарибозорча маҳалласи ҳудудида жойлашган Куви қалъаси, қалъа атрофидаги Хўжа Ориф, Ғазновдаги Кувимуғ тепаси, Муғ қалъаси ва ҳудуддаги нодир суратлар давлат рўйхатига олинган археологик ёдгорликлар сифатида сақланаётгани диққатга сазовор. Тарихчилар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистон сари юришидан олдин бир йил Сўхда тургани ҳақида тарихий манбаларда ёзган.

Давлатимиз эътибори туфайли кейинги йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида катта ривожланиш сезилди. Йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари тубдан янгиланди, мактаб, боғча, шифохона, маданий ва спорт объектлари қурилди. Сув таъминоти ва табиий офатлардан муҳофаза йўналишларида муҳим ишлар қилинди. Туман тараққиёти учун 1 триллион сўм йўналтирилгани, янги уй-жойлар барпо этилгани, йўллар равонлашгани, электр ва сув таъминоти яхшилангани, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилгани, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик кенг ривожлангани сўзимизнинг яққол исботидир.

— Ҳозирги Сўхни олти-етти йил аввалгиси билан қиёслаб бўлмайди. Туманимиздаги давлатга тегишли 29 та ва нодавлат 48 та мактабгача таълим ташкилотининг навбатма-навбат таъмирланаётгани, реконструкция қилинаётгани эътиборга молик. Мактабларимизнинг китоб фондини бойитиш, замонавий мактаб-боғчаларни жаҳон стандартлари асосида зарур техник воситалар билан жиҳозлаш борасидаги чора-тадбирлар фарзандларимизнинг яхши ўқиши ва муносиб тарбия топишига хизмат қилмоқда, — дейди 26-мактаб директори, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Фаррух Бобурустамов. — Авваллари ўқитувчиларимизнинг чет тили бўйича сертификати йўқ эди. Ҳозир эса 50 муаллим шундай сертификатга эга. Ўзим ҳам менежмент сертификатига эга бўлганим учун 50 фоизли устама билан 1000 доллар маош оламан. Юзлаб сўхлик ўқитувчилар худди шундай даромад топмоқда. 2017 йилгача туманимизда 22 та боғча мавжуд эди, кейинчалик яна 8 та МТТ қурилиб, ишга туширилди. Шу даврда 48 та хусусий боғча ҳам фаолият бошлади. Мактабларимиз сони 26 тадан 33 тагача кўпайди. Таълим соҳасининг замонавий марказлар даражасига кўтарилаётгани биз, устозларга янги имкониятлар эшигини очмоқда.

— Оила тинч бўлса — маҳалла тинч, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади, — дейди тумандаги Сариканда маҳалласи раиси Баҳодир Сафоев. — Туманда кўплаб миллат вакиллари аҳил-иноқ яшайди. Ўтган йили маҳалламизда 18 километр йўл асфальт қилинди, ёшлар спорт майдончаси ишга туширилди ва кутубхона маркази ташкил қилинди. Ўтган саккиз йилда туманимиз йўли 100 фоиз асфальтлаштирилди. Шунингдек, 298 километр электр тармоқлари тортилиб, 82 та трансформатор пункти қурилди.

Туманда картошкачилик ва хўжағат (малина) плантациялари ташкил этилиши, шунингдек, балиқчилик, асаларичиликнинг кенг йўлга қўйилиши аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда. Туманнинг Жавпая ва Қайроқ массивларида янги ер майдонларини ўзлаштириш, насос агрегатларини ўрнатиш, интенсив боғлар барпо этиш ва томчилатиб суғориш борасидаги янги тадбирлар минглаб оилаларнинг даромади ошишига сабаб бўлаётир.




Меҳнат фахрийси Асқарали Мирзаев Сўх туманида аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 49 фоиздан 70 фоизга етказилгани ҳақида фахр билан сўзлайди. Бундан ташқари, табиий газ таъминоти яхшилангани, суюлтирилган газ мажмуаси ишга туширилгани ва тиббий хизмат кўрсатиш даражаси тубдан ўзгарганини таъкидлайди.

Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматовнинг қўшиқларига жўр бўлаётган сўхликларга қараб туриб, ҳудуддаги янгиланишлар уларнинг ҳаёт тарзи ва мақсадларида ёрқин намоён бўлаётганини ҳис қилдик. Уларнинг шукронага тўла дуоларидан кўнглимиз яйради.

Шоҳимардонга сафаримиз Фарғона туманининг Водил, Боткен вилоятининг Қадамжой ва Оққия назорат постлари ҳамда Қирғизистоннинг Қорасарой, Кўкмўйноқ ва Чендаки қишлоқлари орқали кечди. Ястаниб оқаётган Шоҳимардонсойнинг икки ирмоғи — Оқсув ва Кўксув бўйларидаги яшил дарахтлар худди солланиб салом бераётгандек эди. Ёмғир томчилари жилосида товланган бодом гуллари эса баҳорнинг ҳаётий рангларини акс эттириб, кўз ўнгимизда худди камалак сувратларини жонлантирди.



Бунёдкорлик ишларини бажараётган туман аҳлининг Наврўз ва сумалак сайиллари ош танлови ҳамда кураш мусобақаси билан бошланди. Байрам майдонига киришдаги китоб ярмаркалари, ҳунармандларнинг ранг-баранг қўл меҳнати кўргазмалари, гуллар ва қушлар тасвири туширилган палак ҳамда дастурхонлар кўзни яшнатади. Отахонларнинг қатор чўян қозонларда дамлаган оши, онахонларнинг бўғирсоқ, чалпак, ҳолвайтар, ҳалим сингари мазали таомлари иштаҳани қитиқлайди. Катта қозонда қайнаётган сумалак ҳовури эса байрам тароналари ва карнай-сурнай наволари билан уйғунлашиб, бутун халқни Наврўз сайлига чорлайди.

> **Наврўзга кўрилган тайёргарлик хонадонларнинг ариштaлигида, бодом, ўрик, шафтоли ва олма дарахтлари қийғос гуллаган кўчаларда, шунингдек, варрак учираётган болаларнинг шодон овозида яққол акс этади. Бу хосиятли байрам дилларни дилларга яқинлаштириши ва кўнгилларда баҳорий ҳис-туйғуларни яшнатиши билан бениҳоя фусункор.**

Кўп ўтмай, Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқлари йигитлари ўртасида футбол мусобақалари, кўчабоши оқсоқоллар орасида ош дамлаш беллашувлари ҳамда ҳудуддаги учта мактаб ўқитувчилари иштирокида Наврўз мушоиралари бошланиб кетди. Фестиваль доирасида ноёб этнографик экспонатларни ўзида жам қилган маҳаллий музей фаолияти яқиндан ўрганилди. Ушбу бебаҳо бойликларни асраб-авайлаб келаётган, қолаверса, ҳудуд ёшларини маърифатли қилишга бел боғлаб, кутубхона очишни ўз олдига мақсад қилган юртдошларимиз маърифат фидойилари дея эътироф этилди. Янги ташкил қилинажак ушбу кутубхона учун Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан махсус китоблар тўплами юбориладиган бўлди.

— Шоҳимардонда ҳамқишлоқларимнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи 85-90 ёшга тўғри келади, — дейди тумандаги 64-оилавий поликлиника бош шифокори Жасурбек Тиркашев. — Доимий ҳаракат, деҳқончилик, тоза ҳаво, мусаффо табиат ва зилол сув, аслида, соғлом турмуш тарзининг асосий гаровидир.

Шоҳимардонликларнинг тоғ ва адирларда деҳқончилик қилиши бирмунча машаққатли. Шу сабабли аҳоли асосан чорвачилик ҳамда олма, ўрик, шафтоли каби меваларни етиштириш орқали оилавий даромадни ошириб бориши ҳақида отахонлар гапириб берди.

### Шаҳрихонда шодиёналар

Водийга борсангиз, Муҳаммад Юсуфнинг “Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен?” деган мисралари ҳар бир андижонликнинг дил изҳорига айланганини ҳис қиласиз. Шунингдек, Мирзо Бобур ва Чўлпоннинг мумтоз сатрларини беихтиёр такрорлайверасиз. Беназир ҳофизимиз Шерали Жўраевнинг “Андижон томонларда” қўшиғини эса қайта-қайта тинглагингиз келади.

Наврўзга кўрилган тайёргарлик хонадонларнинг саришталигида, бодом, ўрик, шафтоли ва олма дарахтлари қийғос гуллаган кўчаларда, шунингдек, варрак учираётган болаларнинг шодон овозида яққол акс этади. Бу хосиятли байрам дилларни дилларга яқинлаштириши ва кўнгилларда баҳорий ҳис-туйғуларни яшнатиши билан бениҳоя фусункор.

Шаҳрихон туманидаги Чўжа маҳалласида ташкил этилган Наврўз сайлида бўлдик. Бир километр узунликдаги бутун кўча саҳнининг икки томони сўрилар ва гилам-пояндозлар билан безатилган. Турли кўргазмалар, доирачи йигитлар ва ял-ял ёнган атлас либосли қизлар сафи майдонни тўлдирган эди.

Байрам давомида машҳур сўз устаси Болтабой Тошматовнинг ичакузди ҳангомалари туман аҳлига хушкайфият улашди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Узоқова ижросидаги тароналар эса барчани даврага чорлади.

Туманнинг Эшон маҳалласида яшовчи Муяссархон Султонова уч ўғли ва олти набирасининг эзгу ниятларини бундай ифодалайди: “Болалар билимли ва маърифатли бўлиб улғайиши учун, энг аввало, оналар масъулдир. Китобга ва мутолаага қизиққан болалар ҳақиқий ватанпарвар ва миллатпарвар бўлиб ўсади. Халқимиз бежиз “Болаларингизга китоб ўқишни ўргатинг, қолган барча нарсани китобнинг ўзи ўргатади”, демаган. Саводхон ва китобхон фарзандларимиз келажакда юртимизнинг чинакам фахрига айланади”.

### Иброҳим отанинг дуолари

Наманган деганда, дунёга не-не заковатли инсонларни етиштириб берган табаррук маскан кўз ўнгимизга келади. Ахсикент, Мунчоқтепа, Айритом ва Муғтепа сингари қадимий ёдгорликлар бу кўҳна ўлканинг нақадар бой маданияти ва маърифатидан дарак беради. Инсоният тафаккур дунёсига зеб берган Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Наманганий, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода ва Мавлоно Лутфуллоҳ сингари наманганлик асл зиёлиларни ҳурмат билан эслаш айни муддаодир.

Наманган туманидаги Бектемир, Қумқўрғон, Шамсикўл ва Қулқўрғон маҳаллаларида ўтказилган Наврўз сайли тадбирларида иштирок этарканмиз, тумандаги эҳтиёжманд 22 юртдошимизга алоҳида совға-саломлар тарқатилиб, йўқловлар уюштирилганига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, мутасаддиларнинг ногиронлиги бўлган шахслар, эҳтиёжманд оилалар, табаррук отахон ва онахонлар, қолаверса, иқтидорли ёшларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатаётгани дилни қувонтирди.

Туманнинг Бектемир маҳалласида истиқомат қилувчи Гулчеҳра Жўраеванинг икки ўғли ва бир қизи бор. Биз фарзанди Шералини байрам муносабати билан йўқлаш мақсадида опанинг хонадонида меҳмон бўлдик.

— Яхшиларга минг раҳмат, масъуллар боламнинг саломатлигини тиклаш борасида ёрдамини аямаяпти, — дейди Гулчеҳра опа. — Кўпнинг борига шукр, маҳалла-кўй доимо ёнимизда, бизни ёлғизлатиб қўймаяпти. Онаман, барча оналар қатори мен ҳам, энг аввало, юртимизнинг тинчлигини сўраб дуо қиламан. Кичик томорқамизда сархил мева-чева кўп, болаларим ва невараларим билан биргаликда деҳқончилик қиламиз. Уйимга телевизорда кўриб юрганимиз, ҳавас қиладиган санъаткорларимизнинг қадам ранжида қилишидан эса бошим кўкка етди.

Чуст туманидаги Деҳқоновлар хонадонини бутун Наманган аҳли жуда яхши билади. Оила бошлиғи Наримон Деҳқонов — Наманган давлат университети профессори ва халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати. Бу маърифатли оиладан тўрт нафар фан доктори ва икки фан номзоди етишиб чиққан, набиралар эса Президент мактабларида таҳсил олмоқда. Фарзандлардан бири “Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланган бўлса, яна бири “Ислоҳотлар билимдони” республика кўрик-танлови ғолиби.

Чустлик моҳир ҳунармандлардан яна бири, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳиби Нурхон Бойбаева ўз қизлари ва келинлари билан элликка яқин қиз-жувонга дўппи тикиш сир-асрорини ўргатиб келмоқда. У ироқи, қалампир, чамангул сингари нақшлар билан безатилган дўппиларни таърифлар экан, аёл кишининг тадбиркорлиги ва уддабуронлиги оила фаровонлигида нечоғлик муҳим ўрин тутиши ҳақида сўзлаб берди.

Баймоқ маҳалласи ёшлар етакчиси Мирзо Мамажонов эса Косонсой туманидаги Махдуми Аъзам маҳалласида ўтказилган Ёшлар фестивали доирасида сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳақида гапириб берди.

Севимли шоиримизнинг “Ўзбекистон дея аталур, уни севиб эл тилга олур” деган сатрлари барчамизни юртимизнинг гўзал шаҳару кентларини севиш ва ардоқлашга ундайди. Биз бугун мана шу азим юртнинг обод гўшалари ҳамда дарёдил, фидойи юртдошларимизни чексиз меҳр билан тилга олдик. Бугунидан кўнгли тўқ ва эртасидан умиди катта бўлган бундай халқнинг кўтаринки байрам кайфиятини кўриб, уларнинг ниятию дуоларида янграётган тинчлик ва осойишталик шукронасини тинглаб туриб, хаёлимиздан “Халқимизда қадимдан қолган бир ҳикматли гап бор: қаерда шукроналик ва аҳиллик бўлса, ўша ерда осойишталик ҳукм суради. Тинч ва осойишта юртда эса, албатта, файзу барака тўкин бўлади. Файзу баракали бундай юртнинг фарзандлари эса шу юртнинг порлоқ келажагига айланади” деган фикрлар ўтди.

Наманганнинг ардоқли отахонларидан бири, Наманган тумани Деҳқонобод маҳалласида истиқомат қилувчи 107 ёшли Иброҳим бобо Хўжаевнинг қуйидаги дуолари дилимизни буткул яйратиб юборди.

“Ёмғир билан ер кўкарар, дуо билан — эл, азиз болаларим! Давлатимизга тинчликни барқарор таъминлаб туриш осон бўлаётгани йўқ. Бунёдкорлик ва тараққиёт фақатгина тинчлик бўлсагина татийди. Илоҳим, Ўзбекистонимизда ҳамиша тинчлик ҳукм сурсин! Дили беғамлик, хотири жамлик, имони мустаҳкамлик ва ҳар кунимиз байрам бўлсин, илоҳим!”.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-346.
31346 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Бобоpавшан Ғозиддинов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:00 Топширилди — 23:50

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05